

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2020.F.72.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАЙТОВ ЛАЗИЗБЕК АЗАМАТОВИЧ

ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙ МАЪНАВИЙ МЕРОСИНИНГ ИНСОН
КАМОЛОТИДАГИ ЎРНИ

09.00.03 – Фалсафа тарихи

Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2022

УДК: 1(5)Ҳ.Термизий:17.023.361)

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
philosophical sciences**

Хаитов Лазизбек Азаматович

Ҳаким Термизий маънавий меросининг инсон камолотидаги ўрни 5

Хаитов Лазизбек Азаматович

Место духовного наследия Хакима Термизи в совершенствовании
человека.23

Xaitov Lazizbek Azamatovich

The role of the spiritual heritage of Hakim Termizi in human development 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 50

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2020.F.72.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАЙТОВ ЛАЗИЗБЕК АЗАМАТОВИЧ

ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙ МАЪНАВИЙ МЕРОСИНИНГ ИНСОН
КАМОЛОТИДАГИ ЎРНИ

09.00.03 – Фалсафа тарихи

Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2022

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда аждодлар маънавий мероси инсон камолоти ва замонавий билимларнинг назарий асоси сифатида эътироф этилмоқда. Шарқ маънавияти негизида шаклланган тасаввуфий мерос инсонпарварлик, бағрикенглик, рухий-маънавий уйғунлик ғоялари билан инсон қадрини улуғлаш, маънавий макон, интеллектуал салоҳиятли ёшларни тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, ҳозирги мафкуравий таҳдидлар кескин тус олган даврда аждодларимизнинг, хусусан Ҳаким Термизий илмий-маънавий меросидаги эзгу ғоя ва қарашларни кенг жамоатчиликка тарғиб этиш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг соғлом дунёқарашини юксалтириш, уларни умуминсоний қадриятларга содиқлик руҳида тарбиялашда алломанинг инсонпарвар мақсадларга йўналтирилган қарашлари орқали ечим топиш зарурати долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон илм-фанида, хусусан етакчи илмий марказлар, тадқиқот институтларида Шарқ мутафаккирлари илмий, фалсафий меросининг қиёсий таҳлили асосида маърифатли замонавий шахсни тарбиялаш, инсон борлиғи, ахлоқий поклик, ҳаётнинг маъносини англаш, маънавий камолотга эришиш, илм ва хунарга эга бўлиш, инсонни эзгу фаолиятга йўналтиришга оид қатор фундаментал тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу жиҳатдан Ҳаким Термизийнинг инсон камолотига оид тасаввуфий-фалсафий қарашларида илгари сурилган илм, маърифат, яхши хулқ, ҳикматни англашга оид ғояларининг инсонпарвар мақсадларга асосланганлигини фалсафий-тарихий тадқиқ этиш зарурати тобора ортиб бормоқда.

Мамлакатимизда халқимизнинг қадимий тарихи ва бой маданиятини тиклаш, буюк алломаларимизнинг илмий ва маънавий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш, ёш авлодни уларнинг эзгу анъаналари руҳида тарбиялаш бўйича чуқур ислохотлар изчил давом эттирилмоқда. “Томирларида буюк боболаримизнинг қони оқаётган ёшларимиз улуғ аждодларимизнинг муносиб ворислари бўлиши, улар каби улкан мақсадлар сари интилиб яшаши ва юксак марраларга эришиши учун барча зарур шарт-шароитларни яратишимиз зарур. Янги Ўзбекистон ёшлари ана шундай юксак даражаларга кўтарилиши учун барча имкониятларни ишга соламиз”¹. Бу борада, ислом динининг инсонпарварлик моҳияти тарғиботида улкан ҳисса қўшган аллома Ҳаким Термизийнинг инсонпарвар ғоялар асосида шаклланган фалсафий-ирфоний таълимоти, инсон камолотига оид конструктив аҳамиятга эга бўлган позитив ғояларини ҳар томонлама илмий назарий тадқиқ этиш заруратини юзага келтирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан

¹ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. –Тошкент: “O’zbekiston”, 2021. – Б.263.

соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги ПҚ-2774-сон “Имом Термизий халқаро илмий тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 23 июндаги ПҚ-3080-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 27 июндаги ПҚ-3808-сон “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040-сон “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарорлари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 июндаги 466-сон “Ўзбекистон халқаро ислом академияси фаолиятини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш чора тадбирлари тўғрисида” ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳаким Термизийнинг ҳаёт йўли ва маънавий меросини ўрганишда жаҳон олимларидан А. Арберри, А. Барака, А. Сойих, В. Аҳмад, Н. Хир, Б. Радтке, А. Палмер, С. Чифт, А. Шиммель, У. Яҳё, Н. Сомий, С. Свири алломанинг илмий меросини ўрганиш асосида кўп жилдли асарлар, диссертациялар, илмий мақолалар ва бошқа тадқиқот ишларининг натижалари эълон қилинган².

МДҲ тадқиқотчилари Е. Бертельс, Х. Караматов, А. Кныш, М. Массон, А. Семёнов, С. Григорян, М. Степанянц ва Г. Шаймухамбетов³ларнинг XIX

² Arberry A.J. Sufism. -London: George Allen and Unwin LTD, 1950. -141 p.; Абдулфаттоҳ Абдуллоҳ Барака. Ал-Ҳаким ат-Термизий ва назорийятуху фи-л-валоя. – Қоҳира: Мажмаъ ал-буҳус би-л-азҳар, 1971. II; Аҳмад Абдурахим Сойих. Сулук инда ал-Ҳаким ат-Термизий ва масодируху мина-с-сунна. – Қоҳира: Дор ас-салом, 1408/1988; Важиҳ Аҳмад Абдуллоҳ. Ал-Ҳаким ат-Термизий ва иттижаҳат аз-завқийя. – Искандарийя: Дор ал-маърифату-л-жамиъийя, 1989; Heer N. Some biografical and bibliografical notes on al-Hakim al-Tirmidhi. The world of Islam. Studies in honour of Philip K. Hitti. – London. 1959. p. 182-205; Radtke B. Al-Hakim at-Tirmidi. Ein islamischer Theosoph des 3/9. – Freiburg: Klaus Schwarz Verlag, 1980. - 192 p.; Радтке Б. Теологи и мистики в Хорасане и Трансоксиани // Суфизм в Центр. Азии (зарубежные исследования). Сост. И отв. ред. А.А. Хисмагулин. – СПб, 2001. – С. 41-76; Çift S. Hakîm Tirmizî ve tasavvuf anlayışı. – Istanbul: İnsan yayinlari. 2008. - 429 s.; Palmer A. The Social and Theoretical Dimensions of Sainthood in Early Islam: Al Tirmidhi's Gnoseology and the Foundations of Sūfî Social Praxis, Doctor of Philosophy (Near Eastern Studies). The University of Michigan. 2015. - 361 p.; Шиммель А. Мир исламского мистицизма. – М.: Алетея, Энигма, 2000.-414 б. ; Усмон Яҳё. Ҳаким Термизийнинг «Хатм ал-авлиё» асари нашрининг кириш қисми. – Байрут.: Ал-матбаа ал-қосулиқийя, 1965.-113 б. ; Sviri S. Hakim Tirmidhi and the Malamati Movement in Early Sufism. The Heritage of Sufism//vol. I, ed. L. Levisohn. Oxford: Oneworld Publications. - 1999.

³ Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. - М.: Наука, 1965. - 556 с.; Караматов Х.С. Аскетические и суфийские течения в Хорасане // Из истории суфизма: источники и социальная практика: сборник статей/Под ред. М.Х.Хайруллаева. - Ташкент: Фан, 1991. - 146 с.; См.: Кныш А.Д. Мироззрение Ибн

асринг иккинчи ярми XX аср бошларида Ҳаким Термизий маънавий меросини ўрганишга оид илмий изланишлари муҳим назарий аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда Ҳаким Термизий илмий мероси У. Уватов, И. Усмонов, М. Болтаев, Г. Наврўзова, Р. Шодиев, Б. Намозов, Г. Юнусова, М.Кенжабек, Ж. Холмўминов, З. Исоқова, К. Раҳимов, К. Шоший, Ж. Чўтматов, М. Исмоилов⁴ томонидан илм-фаннинг турли соҳалари доирасида тадқиқ этилган.

Диссертацияни ёзиш жараёнида юқорида қайд этилган олимлар ва бошқа бир қатор ўзбек ҳамда жаҳон файласуф олимларининг илмий изланишларидан, таржималаридан унумли фойдаланилди. Аммо, улардан фарқли равишда ушбу тадқиқот ишида Ҳаким Термизий маънавий меросида инсон камолоти масаласи фалсафий нуқтаи-назардан таҳлил этилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ОТ-Ф1 “Ёшларда миллий ғоя ва мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг психологик механизмлари” (2017-2020 йй) номли тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ҳаким Термизий маънавий меросининг инсон камолотидаги ўрни ва унинг илмий-назарий моҳиятини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ҳаким Термизийнинг ҳаёти ва дунёқараши шаклланишига таъсир этган ижтимоий-маънавий муҳит ва ғоявий манбаларни тадқиқ этиш;

Ҳаким Термизий маънавий меросининг инсон камолотидаги ўрнини очиб бериш;

Араби. - Религии мира, - М., 1984.; Массон М.Е. Надписи на штукке из архитектурного ансамбля у мавзолея Хакими Термизи//Труды Таш ГУ, Вып. 172. Т., 1960. 448 с.; Семёнов А. Происхождение термезских сейидов и их древняя усыпальница Султан Садат: ПТКЛА, XIX. 1914. - 20 с.; Григорян С.Н. Из истории философии Средней Азии и Ирана VII-XII вв. - М., 1960.; Степанянц М.Т. Исторические судьбы суфизма. - Вопросы философии. 1980, № 6. Шаймухамбетова Г.Б. Арабоязычная философия средневековья и классическая традиция (начальный период). М.,1979.

⁴ Уватов У. Ал-Ҳаким ат-Термизий (ҳаёти ва мероси). – Тошкент: Маънавият, 2001. - 40 б.; Ҳаким Термизий асарларидан сайланма. / Тарж. И. Усмонов. –Тошкент: Movarounnahr, 2017. - 187 б.; Болтаев М.Н. Абдурахман Джами о человеке, его смысле жизни и назначении. – Бухара, 1993. – 123 с.; Наврўзова Г.Н. Наврўзова Г.Н. Хожа Баҳоуддин Накшбанд ҳаёти ва маънавий меъроси. – Тошкент: “Фан”, 2021.; Шодиев Р.Т., Бахриева Д.Х. Суфизм в духовной жизни народов Мавераннахра (IX-XII), Монография. Самарқанд, 2018.; Намозов Б. Абу Бакр Калободий тасаввуфий қарашларининг фалсафий асослари. – Тошкент: Фан, 2009; Юнусова Г. Абдулқодир Гийлоний маънавий меросида инсон моҳиятининг фалсафий таҳлили. Фалс. фан. доктори (DSc) дисс. – Самарқанд, 2019; Кенжабек М. Термиз тазкираси. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 2001. - 192 б.; Кенжабек М.. Буюк Термизийлар. Термиз тазкираси. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 2017. - 528 б.; Холмўминов Ж. Қиёсий тасаввуфшунослик. Монография. - Тошкент: “Yosh avlod matbaa”, 2021.; Исоқова З. Тасаввуф таълимотида орифлик ва валийлик талқини -Тошкент: Abu matbuot-konsalt, 2011. -296 б; Хатм ул-авлиё. / Тарж. Раҳимов К. - Тошкент: Noshir, 2017.-308 б.; Манозил ул-ибод мин ал-ибода. / Тарж. А. Шоший. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2018. - 60 б.; Чўтматов Ж. Муҳаммад Ҳаким Термизий рисоалари: Бувдуву шаън Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ал-Ҳаким ат-Термизий. Адабун нафс. Риёзатун нафс. Баёнул касб. / Тарж. Ж. Чўтматов. – Тошкент: Movarounnahr, 2017. - 440 б.; Ал-Ҳаким ат-Термизий. Яширин масалалар Масоил ал-Макнуна. / Тарж. М.Исмоилов.- Самарқанд :Имом Бухорий халқаро маркази нашриёти, 2019.-216 б.

Ҳаким Термизий таълимотида нафс ва уни тарбиялаш йўллари
фалсафий нуқтаи назардан асослаб бериш;

қалбнинг таърифи ва унинг инсон камолотидаги аҳамиятини тадқиқ
этиш;

касб ва ризқда ҳалоллик – вужуд поклигининг асоси эканлигини
мутасаввиף қарашлари орқали асослаш;

инсон камолотидаги маънавий манзилларнинг аҳамиятини очиб бериш;

Ҳаким Термизийнинг валоят (валийлик) назарияси ва унинг инсон
камолотига таъсир этувчи ғояларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини Ҳаким Термизийнинг маънавий мероси ва
тасаввуфга оид асарлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети Ҳаким Термизий асарларидаги инсон
камолотига оид ғояларни илмий асослаш билан белгиланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда тарихийлик, мантиқийлик, қиёсий
тахлил, умумлаштириш, диалектик, герменевтик таҳлил методларидан
фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ҳаким Термизийнинг “Баёнул-касб” (Касбнинг баёни) асаридаги ҳалол
ризқ топиш ва касб-ҳунар эгаллашга оид бунёдкор ғояларнинг инсон
фаолияти, камолотининг маънавий асосларига боғлиқлиги, кейинги
даврларда вужудга келган Хожагон-Нақшбандийлик тариқати ғояларига
таъсир кўрсатганлиги далилланган;

Ҳаким Термизийнинг “Хатм ул авлиё” асаридаги валоят назариясининг
инсонпарварлик тамойилларига таяниши, замонавий фаол шахсни
тарбиялашда ўзига хос субстанционал асосга эга эканлиги исботланган;

Ҳаким Термизийнинг “Баёнул фарқ байна ас-садр вал қалб вал фуад вал
луб” (“Қалб даражалари”), “Маърифатул асрор” (“Сирлар маърифати”) асарларидаги қалб, соғлом қалб, қалб поклигига оид инсон камолотининг
“таваккул”, “ҳикмат”, “табсира”, “шукр”, “офият” ва “ҳаё” каби
мезонларнинг инсон маънавий борлиғига алоқадор ҳақ ва ҳақиқат, илм ва
маърифат, ақл ва идрок ҳамда ғаразли кучлар таъсирига берилмаслик
хусусиятлари мантиқан асослаб берилган;

Ҳаким Термизийнинг “Манозил ул-ибод мин ал-ибода” (Бандаларнинг
бандачилиқдаги манзиллари) асаридаги маънавий камолот манзилларини
кўрсатувчи тавба, зухд, нафсга адоват, муҳаббат, ҳою-ҳаводан покланиш,
ҳашият (қўрқув), қурбат каби тасаввуфий тушунчаларнинг инсонни
эзгуликка даъват этиш, камолотга эришиш, нафсни тийиш, покланиш ва
меҳрга оид ирфоний-фалсафий мазмуни очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ёшларни аждодлар маънавий-илмий меросига ҳурмат руҳида
тарбиялашга, нафс ва қалб тарбиясига, инсон камолотига алоқадор бўлган
ҳалол ризқ, ҳалол касб ҳақидаги қарашларининг такомиллашувига хизмат
қилган;

ўсиб келаётган ёш авлодда умуминсоний, миллий урф-одат ва
анъаналарга содиқлик руҳини шакллантиришга, баркамол, инсонпарвар ва

бағрикенг бўлиб етишишига, касб-хунар эгаллаш ва ҳалол меҳнат, ватанпарварлик ва фидоийлик каби ахлоқий тасаввур ҳамда кўникмаларини кенгайтишига хизмат қилган;

оила ва маҳаллаларда маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, миллий ғояга садоқат руҳида тарбиялаш, маънавий-маърифий тадбирларни мазмунан янгилашга ва самарадорлигини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларнинг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилганлиги, унинг ўрганилиш чегараларининг аниқ белгиланиши, назарий маълумотлар ва фактик материаллар ишончли илмий-фалсафий, тасаввуфга оид манбалардан олинганлиги, тарихийлик, мантиқийлик, қиёсий, умумлаштириш, диалектик, герменевтик таҳлил усуллари воситасида асосланганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ҳаким Термизийнинг тасаввуф ва фалсафа тарихида тутган ўрнини чуқур тадқиқ этиш, шунингдек, “Нақшбандия тариқати асослари”, “Фалсафа”, “Ислом фалсафаси” ва “Маънавиятшунослик”, “Тарбия” каби фанлардан дарслик, ўқув қўлланма, мажмуаларнинг янги авлодини яратиш ва такомиллаштиришда назарий методологик манба бўлиб хизмат қилиши мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ҳаким Термизийнинг илм ўрганиш, покланиш, нафсни тийиш, бағрикенглик, ҳалол касб ва ризқ топиш ҳақидаги фикрларидан миллий ғояни кишилар онгига синдиришга қаратилган маънавий-тарғибот тадбирларини ташкил этишда, “Тасаввуф назарияси ва тарихи”, “Тасаввуф герменевтикаси”, “Нақшбандия тариқати асослари” фанларидан машғулотлар олиб боришда, луғат-маълумотномалар тузиш, шунингдек, инсон камолоти ҳақидаги ғоялар ва уларнинг ёшлар тарбиясидаги аҳамияти бўйича келажақда амалга ошириладиган тадқиқотларда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ҳаким Термизий маънавий меросининг инсон камолотидаги моҳиятини илмий-фалсафий асослаш бўйича олинган илмий янгиликлардан:

Ҳаким Термизийнинг “Баёнул-касб” (Касбнинг баёни) асаридаги ҳалол ризқ топиш ва касб-хунар эгаллашга оид бунёдкор ғояларнинг инсон фаолияти, камолотининг маънавий асосларига боғлиқлиги, кейинги даврларда вужудга келган Хожагон-Нақшбандийлик тариқати ғояларига таъсир кўрсатганлигига оид илмий натижа ва хулосаларидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг кенг жамоатчилигини хабардор этиш ҳамда уларнинг касбий маҳоратини ошириш бўйича илмий-амалий ва методик ўқишларида, алломанинг инсон камолотига оид қарашлари асосида илмий-оммабоп рисоалар тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот

марказининг 2021 йил 30 сентябрдаги 02/392-сон маълумотномаси). Натижада ёшларни аждодлар маънавий-илмий меросига ҳурмат руҳида тарбиялашга нафс ва қалб тарбиясига, инсон камолотига алоқадор бўлган ҳалол ризқ, ҳалол касб ҳақидаги қарашларининг такомиллашувиغا хизмат қилган;

Ҳаким Термизийнинг “Хатм ул авлиё” асаридаги валоят назариясининг инсонпарварлик тамойилларига таяниши, замонавий фаол шахсни тарбиялашда ўзига хос субстанционал асосга эга эканлигига оид тақлиф ҳамда тавсияларидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 15 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини тартибга солиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 228-сон қарорида белгилаб берилган вазифалар (жамиятда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни ва ролини кучайтириш, жойларда маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, миллатлараро дўстлик ва ҳамжихатликни мустаҳкамлаш, ёш авлодни она Ватанга муҳаббат ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш) ижросини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш вазирлигининг 2021 йил 8 октябрдаги 02-09/2383-сон маълумотномаси). Натижада кенг жамоатчилик, айниқса ўсиб келаётган ёш авлодда умуминсоний, миллий урф-одат ва анъаналарга содиқлик, бошқа дин ҳамда миллат вакилларининг урф-одатларини ҳурмат қилиш, оилавий қадриятларга содиқлик, шарқона таълим-тарбия, маънавий камолот, ватанпарварликка оид тасаввур, кўникма ва билимларининг кенгайишига хизмат қилган.

Ҳаким Термизийнинг “Баёнул фарқ байна ас-садр вал қалб вал фуад вал луб” (“Қалб даражалари”), “Маърифатул асрор” (“Сирлар маърифати”) асарларидаги қалб, соғлом қалб, қалб поклигига оид инсон камолотининг “таваккул”, “ҳикмат”, “табсира”, “шукр”, “офият” ва “ҳаё” каби мезонларнинг инсон маънавий борлигига алоқадор ҳақ ва ҳақиқат, илм ва маърифат, ақл ва идрок ҳамда ғаразли кучлар таъсирига берилмаслик хусусиятларига оид илмий натижалар ва хулосалардан ОТ-Ф1-рақамли “Ёшларда миллий ғоя ва мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг психологик механизмлари” (2017-2020 йй) доирасида бажарилган фундаментал ва 66-12/192-сон “Хунар-ризқ қарвони” мавзуидаги (2020-2021 йй) амалий лойиҳасини амалга оширишда фойдаланилган (Бухоро давлат университетининг 2021 йил 25 октябрдаги 01-04/01-0504-сон ҳамда Бухоро вилояти хунармандчилигини ривожлантириш маркази”нинг 6-сон маълумотномалари). Натижада ёшлар онгида Ҳаким Термизий тасаввуфий-фалсафий меросидаги инсон камолоти ва маънавияти ҳақидаги ғояларни ўрганиш, ёшларнинг баркамол, инсонпарвар, бағрикенг, ростгўй бўлиб етишиши, касб-хунар эгаллаш, ҳалол меҳнат ҳамда ризқ ҳақидаги дунёқараши, кўникмаларини шакллантириш ва кучайтиришга хизмат қилган;

Ҳаким Термизийнинг “Манозил ул-ибод мин ал-ибода” (Бандаларнинг бандачиликдаги манзиллари) асаридаги маънавий камолот манзилларини

кўрсатувчи тавба, зуҳд, нафсга адоват, муҳаббат, хою-хаводан покланиш, хашият (кўркув), курбат каби тасаввуфий тушунчаларнинг инсонни эзгуликка даъват этиш, камолотга эришиш, нафсни тийиш, покланиш ва меҳрга оид ирфоний-фалсафий мазмунини акс эттирувчи илмий натижа ва хулосалардан Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг тадбирлар йиллик режа дастуридаги “Ассалом Бухоро”, “Ўзига ўхшайди ўзбек”, “Ёшлар вақти”, “Шукрона” телекўрсатувларининг сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг 2021 йил 30 сентябрдаги 1/254-сон маълумотномаси). Натижада ёш авлод онгида Ҳаким Термизий тасаввуфий-фалсафий, ахлоқий қарашларини янгича назарий-услубий ёндашувлар асосида ўрганиш, ёшларнинг баркамол, инсонпарвар, бағрикенг, ростгўй ва ҳалол инсон бўлиб етишиш имкониятларини янада кенгайтириб, соғлом дунёқарашни кучайтиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган. Шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этишга тавсия этилган нашрларда 8 та (3 та хорижий ва 5 та маҳаллий журналларда) мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, етти параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 149 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “**Кириш**” қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазифалари аниқланган, диссертациянинг илмий янгилиги, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилингани, апробацияси, нашр этилган илмий ишлар, тадқиқотнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Ҳаким Термизий – Ҳакимия таълимоти асосчиси**” деб номланган бўлиб, унда Ҳаким Термизийнинг ҳаёти ва дунёқарашни шаклланишидаги ғоявий манбалари ва Ҳаким Термизийнинг маънавий мероси каби масалалар тадқиқ этилган.

Диссертантнинг таъкидлашича, Ҳаким Термизий (820-932 йй) “Ҳаким ул-авлиё” (Валийлар ҳакими), “Қудват ул-авлиё” (Авлиёлар маёғи), “Машойихи кибор” (Улуғ шайх), “Олими усули ад-дин” (Дин усули олими), “аш-Шайх” (Аллоҳ илми билимдони), “ал-Аллома Саййид” (Пайғамбар авлодлари), “Муҳаддис” (Ҳадисшунос), “аз-Зоҳид” (Дин тарғиботчиси), “ал-Ҳофиз” (Куръонхон), “ал-Имом” (Ҳазрати Али авлодлари), “ал-Ориф” (Худони танувчи), “Ал-валий” (Авлиё, Аллоҳнинг дўсти), “Ал-Муаззин”

(Азон айтувчи), “Хожа” (Чорёрлар авлоди), “Муфассир” (тафсирчи), “ал-Ҳаким” (Илмнинг ички сирларини билувчи), “ал-Олим”, “Табиб” каби унвонларга эга бўлган мутафаккирдир.

Ҳаким Термизийнинг ҳаёт йўли Аббосийлар халифалиги ва Сомонийлар давлатининг ташкил топиши билан боғлиқ бўлган давр, яъни IX асрнинг биринчи ярми X аср бошларига тўғри келади. Ҳаким Термизий яшаган даврда рухий, ғоявий кураш жуда мураккаб эди. У турли диний фирқалар, гуруҳ ва оқимларнинг ўз сохта даъволари билан халқни тўғри йўлдан оғдиришга қилаётган ҳаракатлари авжига чиққан бир даврда яшаб, ўзининг мустақил ва илмий асосланган фикрлари билан уларга муносиб раддиялар бериб, одамларни залолатга кириб қолишлардан сақлаб қолган. Ҳаким Термизий таваллуд топган Термиз шаҳри IX-X асрларда Амударё соҳилининг юқори қисмида жойлашган, аҳолиси гавжум⁵, савдо-сотик ва иқтисодий муносабатлар ривожланган шаҳар бўлган. Термизда ўша даврда дин аҳлининг жамиятдаги мавқеи ва таъсири жуда сезиларли бўлган, VIII асрдаёқ тасаввуф маркази бўлган Балх шаҳри билан алоқалари жуда яқин эди.

Тадқиқотда IX асрда тасаввуфнинг кенг ривожланганлиги асослаб берилган. Ушбу давр маънавий муҳитида тасаввуфнинг таъсири катта бўлганлиги эътироф этилади. Тасаввуф тарихини икки даврга ажратиш мақсадга мувофиқ. Биринчи давр IX асргача бўлган зоҳидлик, таркидунёчилик кўринишидаги ибтидоий давр. Бу даврда тақво ва вараъ бош мақсад бўлганлигини таъкидланган. Иккинчи давр эса орифлик даври деб номланади ҳамда IX асрнинг ўрталаридан бошланган. Ҳаким Термизий фалсафий мушоҳадага эътибор кучайган биринчи даврга тегишли аллома ҳисобланади.

Диссертацияда Абулҳасан Ҳужвирийнинг “Кашф ул-махжуб ли арбоб ал-қулуб”(Қалб эгалари учун ҳижобнинг очилиши) асарида Хуросонда IX-X асрларда ўн иккита ҳақ ва ботил тасаввуф тариқатлари мавжуд бўлганлиги қайд этилган. Мазкур тариқатлардан ўнтаси мақбул, қолган иккитаси эса мардуд тариқат деб таърифланганлигига оид илмий ҳақиқатга хос фикрлар келтирилган. Ж.Тримингэмнинг фикрича, бу тариқатларнинг барчаси Хуросонда фаолият олиб борган бўлса ҳам, улардан бирортаси ҳам мустақил тариқат бўлиб шаклланмаган чунки, уларнинг барчаси назарий мактаблар бўлганлиги қайд этилган⁶.

Ўрта асрларда яшаган олим Абулҳасан Ҳужвирийнинг (ваф. 1072/1073 йй.) “Кашф ул-махжуб ли арбоб ал-қулуб”(Қалб эгалари учун ҳижобнинг очилиши) асарида “Ҳакимийлик” масаласи баён этилган. Мазкур асарда келтирилишича, Хуросон ҳудудида “Ҳакимийлик” (донолик) номли тариқат пайдо бўлган, у ерда кўплаб сўфийлар таҳсил олган. Ҳужвирий “Кашфул-махжуб” асарида ҳақ тариқатлардан еттинчиси “ҳакимийя” эканлиги, унинг мансублари Ҳаким Термизийни муршид, пешво деб билишларини таъкидлаган. Мазкур асарнинг 14-бобида “Ҳакимийлик” тариқати ҳақида сўз очиб, Ҳакимийлар Ҳаким ат-Термизий номи билан валийлик қиладилар деб таъкидлаб, “тасаввуф ва маърифатнинг асос ва қоидаси валоят ва унинг

⁵ Shamsaddin Abu Abdullah Mohammad ibn Ahmad al-Moqaddasi. Descriptio Imperii moslemici. / Ed. M. J. de Goeje. Bibliotheca geographorum arabicorum. Pars 3. - Lugduni Batavorum, 1967. – P.291.

⁶ Тримингэм Дж.С. Суфийские ордены в Исламе. – Москва: Наука, 1989. – С.23.

исботидур ва барча шайхлар шунга келишганлар, аммо Муҳаммад бин Али бу соҳада махсус ва барчаларидан афзал ва устундир”⁷, - деб фикр билдиради. Хужвирий Ҳаким Термизийни маънавий устоз деб билиб, ёзадики “У катта кадрга эга шайх, башарнинг сифатларидан фоний бўлган Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ат-Термизийдир. У илм соҳаларида комил ва пешқадам эди. Машойхларнинг мухташами эди. Унинг кўп таснифоти бордир. Яхши ишлари ва кароматлари машхурдир. Сўфийлардан ҳакимийлар ўзларини унга нисбат берадилар. Унинг мақтовли манқабалари бордир”⁸.

Диссертацияда Ҳаким Термизийнинг тасаввуфда ҳаким бўлганлиги, унинг тасаввуфдаги тутган ўрни бошқа зоҳид ва сўфийлардан кўра кўпроқ ботиний томонга юзлангани ва ҳар бир ишда илоҳий ҳикмат излаши билан фаркланишига алоҳида эътибор қаратилган. Алломанинг тўлиқ исми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн ал Ҳасан ибн Башир ал-Ҳаким ат-Термизий бўлиб, унинг туғилган йили ҳақида аниқ маълумотлар етиб келмаган, вафотининг санаси турли манбаларда турлича келтирилган. Бу хусусдаги фикрларни қайд этиб ўтирмаган ҳолда, ўрта аср манбалари тадқиқи асосида мутахассислар олимнинг яшаган даври 820-932 йиллар эканлиги ҳақидаги тахминни асос қилиб олиш мумкин⁹.

Диссертант Ҳаким Термизий илм-маърифат юксак кадрланадиган зиёли бир хонадонда дунёга келиб, мана шу илмий маънавий муҳитда ўсиб улғайганлигини манбалар асосида таҳлил этган. Ушбу омиллар таъсирида унинг маънавий дунёси ва илмий тафаккури шаклланиб камолга етган. Унинг ота-онаси ҳақидаги баъзи хабарлардан маълум бўлишича, унинг отаси Али ибн ал-Ҳасан ўз даврида ҳадис илмининг кўзга кўринган олимларидан бири сифатида машхур бўлган. Отаси Ҳаким Термизийнинг ёшлик чоғида вафот этиб кетган бўлсада, ўз фарзандига керакли таълимни беришга улгурган. Бу хусусда Ҳаким Термизий ўзининг “Будувву шаън Абу Абдуллоҳ Термизий” номли автобиографик асарида шундай деб ҳикоя қилади: “Менинг ишимнинг бошланишида, исми баракотли Аллоҳ таоло мен учун шайхимни, Аллоҳ у зотни раҳмат қилсин, ҳозир қилди. Саккиз ёшга етганимда у зот мени илм ўрганишга машғул қилди, илм ўргатди, мени унга қизиқтирди ва буни мен учун оғирликда ҳам, енгилликда ҳам одатга айлантирди. Ҳатто бу мен учун одатга айланди ва ёшлик вақтимдаги ўйин-кулгининг эвази бўлди. Шу туфайли менга ёшлигимда “Илм ал-осор” (Қадимий ривоятлар, ҳадислар ҳақидаги илм) ва “Илм ар-рай” (“Ҳанафий мазҳаби фикҳи”) жам қилди”. Отаси вафотидан кейин ўз шаҳридаги етук олимлардан, жумладан Термизда Қутайба ибн Саид, Солих ибн Абдуллоҳ, Солих ибн Муҳаммад ас-Саъдий, Ҳасан ибн Умар ибн Шақиқ, Яҳё ибн Мусо, Утба ибн Абдуллоҳ Марвазий, Ибод ибн Ёқуб Равоғаний, Муҳаммад ибн али Шақиқ, Сўфиён ибн Воқе, Ёқуб ибн Шайба, Ёқуб ибн Давракий ва бошқа бир қатор уламолардан Ҳадиси шарифларни ўрганди. Бундан ташқари волидасининг ҳаракатлари

⁷ Абул Ҳасан Джуллаби Али ал-Худжвири. Кашф ал-махдуб. – Л.: 1926; Караматов Х.С. Аскетические и суфийские течения в Хорасане. В кн.: Из истории суфизма: Источники и социальная практика. – Ташкент: “Фан”, 1991. – С.265

⁸ Абулхасан Хужвирий. “Кашф ул маҳжуб”. Техрон, “Теббён”. / Фаридун Осийбий Ишкий Зинжоний таҳрири остида. (А.А. Болтаев таржимаси), 2003. – Б.89

⁹ Усмонов И. “Наводир ал-усул” ҳикматлари. – Тошкент: Фан, 2009. -Б.57; Уватов У., Жўраев О. “Ҳаким Термизий”. –Тошкент: Tafakkur, 2011. - Б.7.

туфайли тафсир, фикҳ илмларидан сабоқ олди. Ҳақим Термизийнинг онаси ҳам маърифатли аёл эди.

Диссертант таъкидлашича, мутасаввиф дунёқарашининг шаклланишида Термиз шаҳри билан бир қаторда Макка, Балх, Басра, Бағдод, Куфа, Марв ва Нишопур шаҳарларидаги мавжуд дунёвий ва диний билимлар ҳам муҳим аҳамият касб этган. Ҳақим Термизий 25 ёшига қадар Мовароуннаҳр шаҳарларида тафсир, ҳадис ва фикҳ илмларини катта қизиқиш билан ўрганган.

Ҳақим Термизий 27 ёшга яқинлашганда, "...кўнглимга Аллоҳнинг Байтул Ҳарамига бориш иштиёқи тушди. Вақти келиб, мен учун сафар қилиш имкони пайдо булди. Сўнг ҳадис толиби сифатида Ироқда турдим, Басрага бордим. Сўнг ундан ражаб ойида Маккага йўл олдим. Маккага шаъбон ойидан маълум вақт ўтгач, етиб келдим. Аллоҳ Ҳаж вақтигача унда туришимни насиб этди. Туну кун Мултазам ёнида мен учун дуо эшигини очди. Қалбимга ҳаққирост тавба қилиш ва каттаю кичик айбу гуноҳларни тарк этиш истаги тушди. Ҳаж ҳам қилдим. Сўнг қайтдим, дарҳақиқат, қалбимга етишган (уни топган) эдим, деб"¹⁰ фикрларини баён қилган.

Диссертацияда Ҳақим Термизий ҳали Маккада бўлган вақтидаёқ, Қуръони Каримни ёд олишга киришгани, Термизга қайтишигача бўлган қисқа фурсат ичида ёдлаб, тасаввуфдаги асосий омил маърифат эканлигини тушуниб етганлиги қайд этилади. Термизий энди раббоний руҳдаги асарларга ғоятда берилиб, улардаги ибратли мавзулар, охират ишларига доир маълумотлар, тариқатга бошловчи пири муршидларнинг ҳикояларини алоҳида қизиқиш билан ўрганган. Шу омиллар энди унинг ҳаётида туб бурилиш (фитрат ат-тахаввул) бўлган, яъни ақлий йўналишдан (иттижоҳ) батамом руҳий йўналишга ўтиб кетган.

Ана шу вақтда Антоқийнинг (ваф. IX аср) "Даво ал-қулуб" (Қалблар давоси) китоби орқали Аллоҳга яқинлашиш учун зарур бўлган маърифатни тамомила эгаллаган, саволларга жавоб топган. Ҳақим Термизий ҳаёт йўли камолотининг ўзига хослиги у анъана бўйича лозим бўлган иш муршид қўлида эмас, мустақил тарзда нафс риёзатига киришганлигидадир. Бу ўша давр учун камёб ҳодиса эди. Ҳақим Термизий ўзининг автобиографик асарида буни қуйидагича талқин қилади: "Токи маърифат аҳлининг каломи қулоғимга чалингунича, мана шунда (яъни, намоз ва рўзада) бардавом бўлдим. Қўлимга Антоқийнинг китоби тушди ва мен унга назар қилдим. Нафс риёзатидан бўлган (баъзи) нарсаларга йўл топдим. Мана шуни тутдим. Шунда Аллоҳ менга ёрдам берди. Менга нафсимни шаҳватлардан тийиш илҳом қилинди. Ҳатто қалбимга бирининг кетидан бошқаси ўргатила бошлангандек бўла бошлади"¹¹.

Осим Антоқийнинг фикрлари Ҳақим Термизийга кучли таъсир ўтказиб, унга ҳаёт йўлини белгилаб олишида ва тўғри йўлни танлашида кўмаклашган. Алишер Навоий "Насойим ул-муҳаббат" асарида Антоқий таълимотининг йўли илм йўли эди, деб таъкидлаб, унинг қуйидаги сўзларини келтирган:

¹⁰ Ҳақим Термизий йўлининг бошланиши. Будувву шаън Абу Абдуллоҳ Термизий. / Тарж: Жўрабек Чўтматов. - Тошкент: Movaqounnahr, 2018. -Б.26.

¹¹ Ҳақим Термизий йўлининг бошланиши. Будувву шаън Абу Абдуллоҳ Термизий. / Тарж: Жўрабек Чўтматов. - Тошкент: Movaqounnahr, 2018. -Б.20.

“Ҳар амалнинг имоми илмдур, ҳар илмнинг мақоми иноят” (“орзунинг етакчиси илмдир, илмнинг етакчиси-мақсад”)¹²

Ҳаким Термизий ўзидан бой маънавий мерос қолдирган, мутасаввифнинг “Будувву шаън Абу Абдуллоҳ Термизий” (Ҳаким Термизий йўлининг бошланиши), “Адаб-ун нафс” (Нафс одоби), “Риёзат-ун нафс”(Нафс риёзати), “Наводирул усул”(Нодир масалалар), “Баёнул-касб” (Касблар баёни), “Масоил ал-Макнуна”, “Ғоврул умур”, “Маърифат-ул асрор”, “Масоил аҳли Сарахс”, “Ал имсол минал китоб сунна”, “Баёнул фарқ”, “Манозил ул-ибод мин ал-ибода” (Бандаларнинг бандачиликдаги манзиллари) каби асарларида тасаввуфий-фалсафий ғоялари баён этилган.

Диссертант “Будувву шаън Абу Абдуллоҳ Термизий” (Ҳаким Термизий йўлининг бошланиши) асари Ҳаким Термизийнинг ўз ҳаёт йўли ҳақида ўзи ёзиб қолдирган автобиографик асари бўлиб, унда асосан унинг руҳий кечинмалари ва ҳаётида содир бўлган баъзи фактларни зикр этишини қайд этади. Шунингдек, мазкур асар Ҳаким Термизийнинг таржимаи ҳолига ўхшаса ҳамки, унда мажоз кучли, рамзий ҳолатларга кўпроқ урғу берилади. “Будувву шаън”да шахс ҳолатлари ва нафсга қарши кураш билан боғлиқ ҳодисалар етакчи ўринда туради. Алломанинг ҳаёти ва илмий-ижодий фаолияти ҳақида тарихий асарлар ва библиографик қомусларда афсусланарли даражада оз маълумотлар келтирилганлиги туфайли мазкур тадқиқотда унинг ўз ҳаёт йўли ҳақида ўзи ёзиб қолдирган маълумотлар фавқулодда аҳамият касб этиши таъкидлаб ўтилган.

Ҳаким Термизийнинг “Адабун нафс” (Нафс одоби) асари нафс тарбиясининг назарий ва амалий асосларини ўз ичига олган, нафс одоби ҳақидаги асар. Одоб – бу ҳол, маълум маънода назариядир. Асарда аввало, ҳаёт, инсон омили, нафс, қалб, ақл ва ҳаво баҳси теварагида, сўнг инсон ички дунёсидаги нафс масаласи, унга қарши кураш, унинг одоби, нафснинг зоҳирий ва ботиний аломатлари хусусида фикр юритган. Асар таҳлили шуни кўрсатадики, унинг тадқиқотлари марказида инсон туради. Диссертант тадқиқотда мутасаввифнинг “Адабун нафс” (Нафс одоби) асари антропологик, гносеологик ва онтологик масалаларга бағишланганини алоҳида қайд этиб, нафс масаласини таҳлил қилишда нафсни билиш (гносеология), нафс инсон борлигининг муҳим томони (онтология), нафсни тарбиялашнинг ахлоқий камолотдаги ўрни (акмеология) масалаларига эътибор қаратган.

Диссертант таъкидича, мутасаввуфнинг “Риёзатун нафс” (Нафс риёзати) асари “Адабун нафс” рисоласининг мантиқий давоми ёки унинг узвий қисми ҳисобланади. Мазкур асар руҳ тарбиясига оид асарлар орасида муҳим аҳамият касб этади. Асарда Ҳаким Термизий барча нарсани инсоннинг ички дунёсига-қалби, нафси, ақли ва руҳияти, яъни аслларга қайтарган ҳолда тушунтирган. Мазкур асарда нафс риёзати мавзуси асосий масала бўлиб, инсон нафсини жиловлаш учун лозим бўлган усул ва воситалар келтирилган.

Нафс ва қалб тарбиячиси Ҳаким Термизий ўзининг “Маърифатул асрор” китобида тасаввуф доирасидаги ибора ва сўзларнинг сирларини очиб, уларни

¹² Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. - Тошкент: Фан, 2001. -Б.52.

қандай маъноларга далолат қилишни чуқур илмий мушоҳада асосида баён қилган.

“Манозил ул-ибод мин ал-ибода” (Бандаларнинг бандачиликдаги манзиллари) асари тасаввуфга бағишланган. Рисолада инсонларнинг маънавий камолот манзилларини таъриф қилиб, инсон камолотини “тавба” манзилидан то “қурбат” (Ҳаққа яқинлик) манзилига қадар етти манзилнинг хусусияти, талаби ва аҳамиятини баён қилади.

“Баёнул-касб” (Касблар баёни) рисоласида Ҳаким Термизийнинг ризқ ва касб ҳақидаги ғоялари асослаб берилган. Ҳақиқий инсон меҳнат қилиб, ҳалол касби орқали ризқу рўзини топиши лозим, деган бунёдкор ғояни илгари сурган. Ҳаким Термизийнинг ҳалол-касб ва ҳалол ризқ ҳақидаги ғоялари кейинчалик Хожাগон ва Нақшбандия таълимотига ижобий таъсир этган.

Диссертант тадқиқот доирасида, Ҳаким Термизий асарларидаги қуйидаги масалалар: инсон камолотида маънавий манзилларнинг аҳамияти, инсоннинг ўзлигини англаши масаласи, қалб, қалбнинг поклиги, нафс, нафс тарбияси, ҳалол меҳнат, ҳалол ризқ каби масалаларни кенг таҳлил этган ва юқоридаги масалалар инсон борлиғи ва фаолиятининг маънавий асосларига алоқадор муҳим феноменлар эканлигини қайд этиб ўтган.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Ҳаким Термизийнинг антропологик таълимоти”** деб номланиб, унда Ҳаким Термизий таълимоти марказида, инсон ва нафс масаласи, нафснинг зоҳирий ва ботиний аломатлари, нафс офатлари илми, нафсни тарбиялаш, қалб билан уйғун ва ўзаро диалектик боғланганлиги, қалбнинг салоҳияти, унинг давоси, қалбнинг бузилиши ҳамда фасоди, дард илллати масаласига, шунингдек ризқ ва касб ҳақидаги ғояларига эътибор қаратилиб, таҳлил этилган.

Диссертант Ҳаким Термизийнинг илмий-маънавий меросида антропологик масалалар алоҳида Шарқ фалсафаси анъаналари асосида таҳлил қилганлигини, инсон тушунчасини “анаса”, яъни “бир-бирига талпиниш, биргаликда ўтириб улфатчилик қилиш, дилкашлик, дўст бўлишга интилишлари сабабли инсонлар ўзаро ижтимоий-маънавий муносабатларга доимий эҳтиёж сезадилар, агар бу хислатни йўқотиб қўйсалар, унда одамови бўлиб, ёввойилашиб қоладилар”, - деган фикрларини келтиради.

Тадқиқотда Ҳаким Термизийдан инсон тўғрисида сўралганда: “Инсон - очик ойдин заифлик ва катта даъво”, - деб инсонга берган таърифни келтиргани ва инсонга берилган таърифнинг мутасаввиф ғояларига алоқадор тарзда тасаввуфий-фалсафий моҳияти очиб берилган. Инсон онги, илми ва тафаккури билан бошқа мавжудотлардан фарқли ҳамда мукаррам қилиб яратилган. У илми билан юқори даражалар ва юксак чўққиларни забт этади. Шу маънода илм ва амал бирлиги инсонни камолотга етаклайди,¹³ - дейди Ҳаким Термизий.

Ҳаким Термизий инсоннинг ботиний ва зоҳирий оламини ўрганар экан, шу йўналишда “Макрун нафс”, “Адабун нафс”, “Риёзатун нафс”, “Наводирул усул” каби махсус асарлар яратган. Шунингдек “Масоил ал-Макнуна”, “Будувву шаън Абу Абдуллоҳ Термизий” (Ҳаким Термизий йўлининг

¹³ Имом Абу Абдуллоҳ Шамсиддин Мухаммад ибн Ахмад ибн Усмон Заҳабий. Сияру Аъламин Нубало. “Машхур даҳолар сийрати”. Тошкент:-Sharq. Нашриёт- матбаа, 2015.-Б.429.

бошланиши), “Говрул умур”, “Маърифатул-асрор”, “Масоил аҳли сарахс”, “Ал имсол минал китоб сунна” ва асарларида инсон борлиғи, табиати ҳамда моҳияти билан боғлиқ муаммоларга эътибор қаратиб, “илмун-нафс” – нафс илмига оид ўз қарашларини баён этган. Аҳмад Абдурахим Сойиҳ Ҳаким Термизийни “нафс илми” асосчиси сифатида эътироф этганини диссертант ишончли манбалар билан асослаган.

Ҳаким Термизий нафсни иссиқ шамолга ўхшатиб, Аллоҳ уни жаҳаннам эшигидаги тутундан яратганлиги, унинг инсон танасидаги жойи ўпка эканлигини эътироф этиб, инсон ҳаракатда бўлгани боис, нафс ҳам доим ҳаракатда бўлиши, нафс жиловланмаганда у шахватга айланиши, шахватга айланганда хавф туғдиришини таъкидлаб, ана шу хавф иссиқликдир. Хавфнинг иссиқлиги тана ва нафс эканлигини изоҳлаб, инсон танасидаги бошнинг буғи совуқлик бўлиб, у руҳдан эканлигини тавсифлаб берганлиги тадқиқотда таҳлил этилган.

Шу билан бирга тадқиқотчи Ҳаким Термизийнинг нафсни тарбиялашда:

1. Ақл
2. Сабр
3. Қаноат
4. Рўза
5. Тавба

6. Ҳалоллик ва поклик тамойиллари асосий тарбиявий воситалар ва омиллар эканлигини таъкидлайди.

Термизий тарбия масаласида ўз фикрларини баён этиб: болаларнинг тузалувчи тарбияси – мактабларда; қароқчиларнинг тузалувчи тарбияси – ҳибсхоналарда; аёлларники – уйларда; ёшларники илмда; кексаларники эса масжидлардадир¹⁴, - деб таъкидлайди. Инсон ўзини англаши, ўзлигини билиши учун нафсни таниши ва тарбиялашини Ҳаким Термизий илм даражасида тадқиқ этган.

Диссертацияда тасаввуфнинг инсонни тарбиялашда қизиқадиган асосий нуқтаси унинг қалби ва маънавий камолоти эканлиги фалсафий асосланган. Мутафаккирнинг “Баёнул фарқ”, “Яширин масалалар” (ал-Масоил ал-макнун), “Масоил аҳли сарахс”, “Маърифатул-асрор”, “Ал-имсол мин ал-китоб вас сунна” каби асарларида асосий эътибор қалб, соғлом қалб, қалб поклиги масаласига қаратилиб, чуқур таҳлил этилган. Ҳаким Термизийнинг фикрича, қалб тана аъзоларига амирдир¹⁵. Бунга сабаб унда илоҳий маърифат ва илоҳий илм жойлашганини асос қилиб кўрсатган. Ҳаким Термизий инсонни англашда асосий тушунча қалб, деб ҳисоблайди. Шунинг учун Қалб сифатини тавсифлаб, “қалб-ботин, юрак-зохир, кўкрак эса қалб майдонидир¹⁶”, - деб ёзган.

Диссертацияда тадқиқотчи томонидан Ҳаким Термизий қалбни уч хил эканлиги ва унинг кофиру-мунофиқ, мувахҳид ва валийларга хослиги асослаб

¹⁴ Махмудов О. Фарзанднома. -Тошкент: Гафур Гулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2020. - Б.266.

¹⁵ Ал-Ҳаким Ат-Термизий. Яширин масалалар Масоил ал-Макнун. / Тарж. М.Исмоилов. - Самарқанд :Имом Бухорий халқаро маркази нашриёти, 2019. -Б.22.

¹⁶ Қаранг: Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Али Ҳаким Термизий. Маърифатул асрор. (Сирлар маърифати) / Таржимон: Абдулхамид Муҳаммад Турсунов. - Тошкент: “Мовароуннаҳр”, 2017. -Б.77.

берилган. Мутасаввиф қалбни юзланиш ва юз ўгириш ҳолатида бўлиши, мазкур ҳолат нафсга таъсир этишини кўрсатган.

Ҳаким Термизий “Масоил ахли Сарахс” китобида айтади: “Қалб ва нафс иккиси ҳам бир танада муштарак нарсалардир. Қалбнинг қуввати маърифат, ақл, илм, тушунча, зеҳн, фаросат, хотира, Аллоҳ рози бўладиган тарзда унга қилинган аҳду вафога мувофиқ ҳолда яшашдандир. Бу нарсалардан келадиган шодлик унга куч бағишлайдиган, тирилтирадиган омилдир. Нафс эса қувватни шаҳват, лаззат, арзимас орзулар, улуғлик, иззат талаблик, ўзини баланд тутиш ва очкўзликдан олган. Бу нарсалардан келадиган шодлик нафсни қувватлантирадиган омилдир. Буларнинг барчаси хою-хавас аскарларидир. Хою-хавас нафснинг, маърифат эса қалбнинг эгасидир”¹⁷.

Ҳаким Термизий комил инсон учун соғлом қалб зарурлигини таъкидлаб, қалб соғломлиги нафс ҳолати билан диалектик боғланганлигини асослаб, улар алоқасини чироқ ва нур, камон ва ўқ, балиқ ва сув билан қиёслайди.

Диссертацияда тадқиқотчи томонидан қалб соғломлиги ниятнинг нафсдан поклиги ва улуғлигига боғлиқлиги таъкидланиб, соғлом қалб зикр амалиёти билан узвий боғланганлиги кўрсатилади. Соғлом қалб эгаси, маърифатли инсон бўлиб, орифлик даражасига юксалишини кўрсатиб, соғлом қалбга таваккул, ҳикмат, қалб кўзи, шукр, офият ва ҳаё хослигини кўрсатган.

Диссертант диссертациянинг мазкур бобида Ҳаким Термизийнинг праксиологик қарашларини касб-хунар эгаллаш ва ҳалол ризқ топиш масаласи асосида фалсафий таҳлил қилган. Асосий эътиборни инсоннинг маънавий ҳаракатига қаратган. Касб ва ризқда ҳалоллик – вужуд поклигининг асоси эканлигини Ҳаким Термизий таълимотида ҳам учратиш мумкин. Ҳаким Термизийнинг ризқ ва касб ҳақидаги ғоялари “Баёнул-касб” (Касблар баёни) рисоласида асослаб берилган. Ҳаким Термизий Одам Атодан бошлаб, инсон эзгу-ният билан холис меҳнат қилиши, ҳалол касбда барака борлиги, таъмасиз, халққа фойдаси тегадиган касбни эгаллаб яшашга чақирганлар. Ҳаким Термизий ризқни Аллоҳ бериши қадарда ёзилганлигини тан оладилар, аммо “ҳаракатда барака” эканлиги, инсонга қўл-оёқ, ақл-идрок беҳудага берилмаганини таъкидлаб, касб-кор билан шуғулланишни инкор этувчи кишиларни ўтирувчилар деган ном билан маломат қилиб, бундай кишиларни аёвсиз танқид қилган.

Ҳаким Термизий асослаган “Ҳакимия” таълимотида касб-ризқ тушунчасини, таваккул қилишни тўғри англаб, ҳалол-меҳнат ва касбу-кор билан шуғулланганлар. “Ҳакимия” таълимоти ва Ҳаким Термизийнинг ҳалол-касб ва ҳалол ризқ ҳақидаги ғоялари кейинчалик Хожагон ва Нақшбандия таълимотига ижобий таъсир этиб, “Даст ба кору- дил ба Ёр” шиори ва “Хилват дар анжуман” тамойилини вужудга келишига асос бўлган.

Диссертациянинг учинчи боби **“Ҳаким Термизий инсон камолотида оид ғоялари”** деб номланиб, унда мутасаввиф қарашларида инсон камолоти маънавий манзилларининг тасаввуфий-фалсафий талқини ва Ҳаким

¹⁷ Орифлар тасаллиси. Ҳаким Термизий асарларидан сайланма. / Таржимон: И.Усмонов ва бошқ.; - Тошкент: Movarounnahr, 2018. -Б.256.

Термизийнинг валоят (валийлик) назарияси ва унинг инсон камолотидаги аҳамияти каби масалалар таҳлил қилинган.

